

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.01.2020.Ped.26.01 РАҚАМЛИ
ИЛМий КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

ДАДАБОЕВА ФЕРУЗАХОН ОЛИМЖОНОВНА

**УМУМий ЎРТА ТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИДА АСТРОНОМИК
ТАЪЛИМНИ ГУМАНИТАРЛАШТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации
доктора философии (PhD) по педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of
philosophy (PhD) on pedagogical sciences**

Дадабоева Ферузахон Олимжоновна

Умумий ўрта таълим мактабларида астрономик таълимни гуманитарлаштириш
технологияларини такомиллаштириш.....5

Дадабоева Ферузахон Олимжоновна

Совершенствование технологии гуманитаризации астрономического
образования в общеобразовательных средних школах 21

Dadaboeva Feruzakhon Olimzhonovna

Improvement of technologies for humanitarization of astronomical education in
secondary schools 41

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of publication.....45

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.01.2020.Ped.26.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

ДАДАБОЕВА ФЕРУЗАХОН ОЛИМЖОНОВНА

**УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИДА АСТРОНОМИК
ТАЪЛИМНИ ГУМАНИТАРЛАШТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.1.PhD/Ped706 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат педагогика университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифаси (www.tdpu.uz) ҳамда “ZiyoNET” ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Мамадазимов Мамадмуса
педагогика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

педагогика фанлари доктори, профессор
Ибрагимов Холбой Ибрагимович

Физика-математика фанлари доктори
Ильясов Сабит Пулатович

Етакчи ташкилот:

Ўзбекистон Миллий университети

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги DSc.03/30.01.2021.Ped.26.01 рақамли илмий кенгашнинг 2021 йил «__» _____ куни соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100011, Тошкент шаҳри Чилонзор тумани Бунёдкор кўчаси, 27-уй. Тел.:(99871) 276-79-11; факс: (99871) 276-80-86, e-mail: tdpu_kengash@edu.uz.)

Диссертация билан Тошкент давлат педагогика университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100011, Тошкент шаҳри Чилонзор тумани Бунёдкор кўчаси, 27-уй. Тел.: (99871) 276-79-11; факс: (99871) 276-80-86

Диссертация автореферати 2021 йил «__» _____ да тарқатилди.

(2021 йил “_____” _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

Б.С.Абдуллаева
илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, пед.ф.д., профессор

Р.Г.Исянов
илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш котиби, пед.ф.н., доцент

Н.А.Муслимов
илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги илмий
семинар раиси, пед.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Жаҳонда таълим муассасалари ўқитиш жараёнига астрономик таълим тизимини такомиллаштириш ҳамда рақобатбардош кадрлар тайёрлашни гуманитарлаштиришнинг креатив технологиялари татбиқ этилган. Халқаро ташкилотлар ва ривожланган давлатлар томонидан қабул қилинган 2030 йилгача таълим концепциясида “Таълим – тараққиётнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучи ва барқарор ривожланиш мақсадларга етказувчи муҳим фаолият”¹, деб эътироф қилинган. Натижада, табиий фанларни гуманитарлаштириш, ижодий тафаккурни ривожлантириш, ўқитишда илғор педагогик қарашлар, инновацион муҳитни яратиш учун зарур бўлган имкониятларни амалиётга татбиқ этиш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Жаҳон таълим муассасалари ва илмий-тадқиқот институтларида, умумий ўрта таълим мактабларида астрономик таълимни гуманитарлаштириш парадигмалари асосида педагогик жараёнларни ташкил этиш, табиий-илмий циклдаги предметларнинг гуманитар потенциалини амалга оширишнинг педагогик имкониятларини кенгайтириш, педагогик жараёнлар ва педагогик-психологик муҳитни интеграллаш, стратегик ва тактик мақсадларни белгилаш бўйича илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Таълимда гуманизм ғоясини ривожлантириш, ўқитишни шахсга йўналтириш, табиий фанларни ўқитишни инсонпарварлаштириш мазмунини шакллантириш, астрономия курсини гуманитарлаштириш асосида ёшлар дунёқарашини шакллантиришдаги ўрнини кучайтириш бўйича илмий-тадқиқот ишларга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамиз таълим тизимини ривожлантиришда ўқув предметларини амалий аҳамиятини ошириш, масофали таълим тизимларини яратиш, интеграллашган ахборот-таълим тизимини ривожлантириш, табиий ва аниқ фанларни гуманитарлаштириш, ҳуқуқий-меъёрий, илмий-методик ва моддий-техник таъминотни мустаҳкамлашни жадаллаштиришнинг меъёрий асослари яратилди. “Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси”да “ўқитиш методикасини такомиллаштириш, таълим-тарбия жараёнига индивидуаллаштириш тамойилларини босқичма-босқич татбиқ этиш”² устувор вазифа этиб белгиланди. Натижада, умумий ўрта таълим мактабларида табиий ва аниқ фанларни ўқитишда гуманитарлаштиришнинг дидактик ва методик имкониятларини ошириш, уларнинг услубий таъминотини такомиллаштириш имкониятлари кенгайтирилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 25 январдаги ПФ-5313-сон “Умумий ўрта, ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони, 2017 йил 14

¹ Incheon Declaration / Education 2030: Towards inclusive and equitable quality education and lifelong learning for all. –р.4-5. <http://unesdoc.unesco.org/images/0023/002338/233813m.pdf>.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ-5712-сонли Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 06/19/5712/3034-сон.

сентябрдаги ПҚ-3275-сон “Мирзо Улуғбек номидаги ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаб-интернатини ва “Астрономия ва аэронавтика” боғини ташкил этиш тўғрисида”ги қарори, 2018 йил 12 февралдаги Ф-5209-сон “Ўзбекистон Республикасида космик тадқиқотлар ва технологияларни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармойиши, Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 апрелдаги 187-сон “Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорлари³ ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга, умумий ўрта таълим мактаб ўқувчиларида ватанпарварлик, билишга қизиқиш, ахлоқий-эстетик тарбияни шакллантиришнинг дидактик таъминотини такомиллаштиришга муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот иши республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда, инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Республикада таълим-тарбия жараёнларини инсонпарварлаштириш, маданий-инсонпарварлик ёндашуви асосида шахсий ва касбий ижтимоийлаштириш масалалари Н.Джумаева, Б.Маъмуров, Р.Сафарова, Н.Эгамбердиевалар, табиий фанларни, жумладан, физика ва астрономияни ўқитиш методикасини такомиллаштириш масалалари бўйича М.Джораев, А.Ибраймов, М.Мамадазимов, Б.Мирзахмедов, Ю.Маҳмудов, Х.Маҳмудова, Б.Нуриллаев, Б.Сатторова, Э.Хужанов, М.Қурбоновлар илмий-тадқиқот ишларини олиб боришган.

МДХ давлатларида табиий-илмий циклга кирувчи умумий ўрта таълим ўқув предметларини гуманитарлаштириш юзасидан йиғилган бой тажрибаларни замонавий мактаблар учун назарий жиҳатдан умумлаштириш ва амалда қўллаш бўйича ишлар И.Алексашина, А.Белогуров, Л.Бурлаков, В.Данильчук, А.Захарова, И.Зинатулина, А.Калинин, К.Кокутенко, Л.Маркина, Н.Холмуцова, Л.Шейна, Р.Щербаков каби олимлар томонидан бажарилган. Методист олимлардан Т.Барсукова (биология), Б.Кенжаев, С.Комиссарова, В.Кузнецов, Е.Левитан, В.Разумовский, Л.Тарасов (астрономия) табиий-илмий фанларнинг мазмунида “яширинган” гуманитар потенциалини аниқлаш ва улар асосида ёшларнинг эстетик, ахлоқий маданиятини шакллантириш бўйича илмий тадқиқот олиб боришган.

Хорижий давлатларда S.Russo, T.Spuck, F.Torrang, A.Favia ва бошқалар астрономияни унинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб ўқитиш методларини такомиллаштириш масалаларини тадқиқ этишган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.

³ Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандарти ва ўқув дастури. Физика, математика, информатика, биология, география, кимё. Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 апрелдаги 187-сонли қарори. –Тошкент, 2017.

Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат педагогика университети илмий-тадқиқот ишлари режасидаги Ф-2-07 рақамли “Қуёш тожи ёруғ нуқталарининг эволюцияси ва чақнаш механизмларининг илмий-услубий тадқиқи” мавзусидаги фундаментал лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади умумий ўрта таълим мактабларида астрономик таълимни гуманитарлаштириш технологияларини такомиллаштириш бўйича илмий таклифлар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

умумий ўрта таълим мактаблари тизимида астрономияни ўқитишнинг илмий-методик ва тарбиявий ўрнини фалсафий, педагогик ва психологик жиҳатдан таҳлил этиш;

таълимни гуманитарлаштириш технологиялари асосида умумий ўрта таълим мактаб ўқувчиларида ватанпарварлик, билишга қизиқиш, ахлоқий-эстетик тарбияни шакллантиришнинг дидактик таъминотини такомиллаштириш;

таълим жараёнида ўқувчиларнинг астрономик билимларини шакллантириш, астрономик таълимнинг гуманитар потенциалини аниқлаш ва гуманитарлаштириш тамойилларига асосланиб ўқитиш методикасини такомиллаштириш;

умумий ўрта таълим мактабларида астрономия ўқув предметининг ўқув дастурлари, дарсликлар ва ўқув қўлланмаларнинг мазмунини такомиллаштиришга қаратилган услубий ишланмаларни ишлаб чиқиш, амалиётга жорий этиш ҳамда уларнинг самарадорлигини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида умумий ўрта таълим мактабларида астрономик таълимни гуманитарлаштириш технологияларини такомиллаштириш жараёни белгиланиб, тажриба-синов ишларига Тошкент шаҳри, Фарғона вилояти, Сурхондарё вилояти умумий ўрта таълим мактабларининг 478 нафар респондент-ўқувчилари жалб этилган.

Тадқиқотнинг предметини умумий ўрта таълим мактабларида астрономик таълимни гуманитарлаштириш технологияларини такомиллаштиришнинг мазмуни, шакли, метод ва воситалари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида педагогик кузатув, қиёсий таҳлил, тажриба-синов, моделлаштириш, сўровнома, тест, суҳбат, савол-жавоб, натижаларни математик-статистик таҳлил этиш усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

астрономия ўқув предметини гуманитарлаштириш муҳитининг педагогик имкониятлари табиий-илмий циклдаги фанларнинг гуманитар потенциалини дунё таълим тизими билан адаптацияланиш жараёнида ёшларнинг дунёқарашини шакллантириш стратегиясига ҳамоҳанг ривожлантирилган;

табиий-илмий фанларни педагогик гуманитарлаштириш жараёни контекстининг модели ўқувчиларнинг рационал-мантикий фикрлаш қобилиятларини, шахсий ва коммуникатив шакллантирилишини ривожлантириш имконияти ҳамда шахсий фазилатларни ўзаро интеграциялаш асосида такомиллаштирилган;

астрономия ўқув предметини гуманитарлаштириш жараёнлари ўқув маълумотларни кўргазмали-образли мультимедиали иловалар, видео ва аудио ёзувлар, AvtoPlay_8.5 компьютер дастури асосида тайёрланган электрон ўқув қўлланма тарзида тарихийлик принципи асосида такомиллаштирилган;

астрономия ўқув предметининг гуманитар потенциали табиий-илмий предметлар контекстида интегратив ёндашувга устуворлик бериш асосида такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

“гуманитарлаштириш”, “гуманитар потенциал”, “табиий-илмий таълимни гуманитарлаштириш”, “гуманитарлаштириш технологияси” каби тушунчаларнинг мазмун-моҳияти муаллифлик ёндашуви асосида педагогик жиҳатдан талқин қилиниб, таълим амалиётига татбиқ этилган;

умумий ўрта таълим мактабларида ўқитиладиган “Астрономия” ўқув предметининг ўқув-услубий таъминоти ишлаб чиқилди ҳамда астрономиядан дарс машғулотларини ташкил этишнинг методик таъминоти бойитилган;

ўқувчиларни астрономик таълимни гуманитарлаштириш технологияларини такомиллаштириш асосида чин инсоний фазилатларга йўғрилган тарбиялашнинг дидактик таъминоти ишлаб чиқилган;

замонавий педагогик ва ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда “Астрономияни ўқитишда тарихий маълумотлардан фойдаланиш” номли электрон ўқув қўлланма ишлаб чиқилган ва таълим амалиётига жорий этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги унинг методологик асосланганлиги, синалган методларнинг тадқиқот мақсади, вазифалари ва тадқиқот мантиғига адекватлиги, турли эксперимент натижаларининг сифат ва миқдор жиҳатдан таҳлили, ўқув йили давомида эришилган натижаларнинг қайтарувчанлиги, келтирилган таҳлиллар ва тажриба-синов ишлари самарадорлиги математик-статистика методлари воситасида аниқланганлиги, эксперимент учун танланган қатнашувчиларнинг мақсадга мувофиқ ҳолда танланганлигининг таъминланганлиги ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти умумий ўрта таълим мактабларида ўқитиш жараёнини гуманитарлаштиришнинг педагогик-психологик хусусиятларининг аниқлаштирилганлиги, умумий ўрта таълим мактаб ўқувчиларида инсонпарварлик фазилатини ривожлантириш тузилмаси, компонентлари, мезонлари ва кўрсаткичларининг аниқлаштирилганлиги, астрономик таълим мазмунини гуманитарлаштиришнинг концептуал асосларининг ишлаб чиқилганлиги, астрономик таълимни гуманитарлаштириш технологияларини қўллашнинг дидактик тамойилларининг (тарихийлик, ўлкашунослик, интегратив ёндашув, амалий машғулотларда бадиий, фантастик асарлардан фойдаланиб тузилган сифат масалаларидан фойдаланиш) белгилаб берилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ўқувчиларда атроф-муҳитга қадриятли муносабатни таркиб топтиришнинг педагогик моделининг ишлаб

чиқилганлиги, умумий ўрта таълим мактабларида ўқитиш жараёнини гуманитарлаштириш технологияларининг такомиллаштирилганлиги, инсонпарвар тавсифга эга ўқув материалларини антропоцентризм тамойили асосида структуралаштирилганлиги, ўқувчиларда табиий-илмий дунёқарашни ривожлантиришнинг тизимли қўллашга доир алгоритмик босқичларининг ишлаб чиқилганлиги, илгари сурилган назарий ғоялар ва илмий-услубий тавсиялардан 11-синф ўқувчилари учун “Астрономия” фани бўйича миллий ўқув дастури, дарслик ва ўқув қўлланмаларни ишлаб чиқишда фойдаланилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Умумий ўрта таълим мактабларида астрономия ўқитишни гуманитарлаштириш технологияларини такомиллаштиришга қаратилган назарий ва амалий таклифлар асосида:

табиий-илмий (астрономия) фанларни гуманитарлаштириш учун зарур бўлган муҳитнинг педагогик ва дидактик асосларини такомиллаштиришга оид таклифлардан Тошкент давлат педагогика университетида 2012-2016 йилларда бажарилган “Қуёш тожи ёруғ нуқталарининг эволюцияси ва чакнаш механизмларининг илмий-услубий тадқиқи” мавзусидаги фундаментал лойиҳа доирасида белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлашда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 11 сентябрдаги 89-03-3242-сон маълумотномаси). Натижада, ўқувчиларнинг астрономияга оид маълумотларни таҳлил қилиш кўникмалари, мантиқий фикрлаш қобилиятлари ва илмий дунёқарашларини ривожлантириш имкониятлари ошган;

ўқув материалларини кўرғазмали-образли (мультимедиали иловалар, видео ва аудио ёзувлар, AvtoPlay_8.5 компьютер дастури асосида тайёрланган электрон ўқув қўлланма) тайёрлашга оид таклифлар “Астрономия” (11-синф) дарслиги мазмунига сингдирилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 11 сентябрдаги 89-03-3242-сон маълумотномаси). Натижада, астрономик таълим самарадорлиги ва ўқувчиларни инсонпарварлик тамойилида тарбиялаш имкониятлари ошган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мавзуси бўйича жами 18 та илмий-услубий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия қилинган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан, 5 та республика ва 2 та хорижий журналларда мақола тарзида нашр этирилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, 3 боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар, иловалардан ташкил топиб, умумий ҳажми 138 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги асосланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикасида фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги баён этилган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, шунингдек, объекти ва предмети аниқланган ҳамда илмий-амалий аҳамияти, натижаларнинг ишончлилиги, амалиётга жорий қилиниши, апробацияси, эълон қилинганлиги, тузилиши ва ҳажми масалалари ўз аксини топган.

Диссертациянинг **“Таълимни гуманитарлаштириш – муҳим педагогик муаммо сифатида ўрганилиши”** номли биринчи бобида замонавий ўқитишда ўқув материаллари мазмунини гуманитарлаштиришнинг ҳолати, ўқув предметининг гуманитар мазмунини танлаш – таълимни гуманитарлаштиришнинг бош омили эканлиги ҳамда астрономик таълимни гуманитарлаштиришнинг педагогик шарт-шароитлари каби масалалар баён этилган.

Республикамизда қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги қонунда таълимнинг муҳим принциплари сифатида “гуманизм”, “ўқитишни гуманитарлаштириш”, “таълимни демократлаштириш” каби принципларга амал қилиш қатъий талаб этилади. Шунга кўра, таълимда гуманизм ғояси – ўқитишни унинг шахсга йўналтирилганлик ғояси, ўқувчи шахсига ҳурмат билан қараш, унинг қизиқишларига бефарқ бўлмаслик каби омилларни амалга оширишда муҳим рол ўйнайди. Таълимда гуманитарлаштириш эса, ўқув муассасаси режасидаги барча предметларнинг, жумладан табиий-илмий предметларнинг мазмунини ҳам гуманитарлаштириш асосида ўқитишни тарғиб қилади. Шу ўринда ўқитишда ногуманитар, хусусан, табиий-илмий фанлар бўйича таълим масаласида “таълим мазмунини гуманитарлаштириш” ғоясига ҳам аниқлик киритилиши лозим бўлади. Бу ғояни икки хил талқин қилиш мумкин:

Биринчидан, таълим мазмунини гуманитарлаштириш табиий фанларда ишлаб чиқилган методларни ижтимоий фанларда қўллашни ҳам ифодалайди. Бу ҳолат образли тафаккур билан боғлиқ.

Иккинчидан, бир қарашда кўзга яққол ташланмайдиган ихтиёрий табиий-илмий ўқув предметининг (жумладан физика, астрономия, кимё, биология ва бошқалар) мазмуни ҳам ижтимоий-гуманитар ўқув предметлариники каби кучли гуманитар мазмунга (“гуманитар потенциал”га) эга эканлигини унутмасликни талаб қилади. Табиий фанларни ўқитишда, уларда “яширинган” инсонпарварлаштириш мазмунини намоён қилиш билан боғлиқ ҳар қандай ёндашув, яъни бунинг учун зарур бўлган барча восита, метод ва шаклларидан фойдаланиш орқали ташкил этиш, табиий фанларни (жумладан физика ва астрономияни ҳам) гуманитарлаштириш дейилиб, у ўқитишнинг бугунги кунда

энг зарур бўлган тарбиявий ва ривожлантирувчи вазифаларини тўлақонли амалга оширишда муҳим ўрин тутди.

Табиий-илмий таълимни гуманитарлаштириш, маълум даражада фалсафий, педагогик-психологик ва хусусий методик жиҳатларда ўрганилган. Гуманитарлаштириш муаммоси методик адабиётларда, аксарият изланишларда фалсафий изланишларда учраб, унда аввало, оламнинг илмий манзарасини ва дунёқарашларини шакллантириш билан боғлиқ жиҳатларини, иккинчидан ўқувчиларнинг маданиятини шакллантиришда ва ниҳоят учинчидан, инсон турмуши билан боғлиқ аксиологик (умуминсоний қадриятлар маъносида) жиҳатларни ўзида акс қилган.

Гуманитарлаштириш муаммосининг психологик ва педагогик қирралари олимлардан С.Гессен, Ю.Сенко, Н.Холмуцова ва бошқалар томонидан ёритилган.

Физика ва астрономия таълими мазмунини гуманитар потенциалини аниқлаш ва уни ўқитишда амалга оширишнинг турли ёндашув ва йўллари ҳақида таниқли методистлар – В.Г.Разумовский, Л.В.Тарасов, Е.П.Левитан, М.Мамадазимовлар кўп йиллар тадқиқот ишларини олиб боришган. Улар физика, астрономия ва бошқа табиат фанларининг инсонийликни шакллантиришдаги ғоялари, дунёқарашнинг шаклланиши, ижобий баркамол инсон сифатлари (эстетик, маънавий ва ҳоказо) шахсиятини тарбиялашда таълимнинг гуманитар имкониятларини ёритганлар.

Табиий-илмий циклга кирувчи ўрта умумтаълим ўқув предметларини гуманитарлаштириш юзасидан йиғилган бой тажрибаларни замонавий мактаблар учун назарий жиҳатдан умумлаштириш ва амалда қўллаш бўйича ишлар эса А.Белогуров, Л.Бурлаков, В.Данильчук, К.Кокутенко, Л.Шейна, Р.Щербаклов ва бошқа олимлар томонидан бажарилган. Улар замонавий таълимни назарий жиҳатдан модернизацияланиши ва амалда қўллаш бўйича меъёрий базасининг яратилганлиги, таълимни гуманитарлаштиришда – Давлат таълим стандартини модернизациялашни давлат стратегияси даражасигача кўтаришни уқтиради. Маълумки, таълим стандартида, мактаб битирувчиларининг тайёргарлик даражаларига қўйилган талаблар келтирилган бўлиб, уларда мактабни битирувчи шахснинг маданиятлик модели ўз аксини топган. Бундай модел, битирувчида умуминсоний қадриятларни ривожлантириб, ўқувчилар умуммаданий қийматига қўйилган талаблар асосида қайта ишлаш ва янги сифат даражасига кўтариш лозимлигини уқтиради.

Бу дегани, ўқитувчининг вазифаси, ўқувчиларда ўқув предметлари бўйича маълум миқдордаги билимларни ўзлаштирилишига эришиш билан чекланмай, таълимнинг бош тамойилларидан саналган гуманизм ва гуманитарлаштириш тамойиллари асосида ташкил этиб, ўқувчи шахсини ва ижодий қобилиятини ривожлантиришни, унинг руҳияти ва маданиятини педагогиканинг замонавий парадигмаси саналган ўқитиш жараёнини гуманитарлаштириш асосида тарбиялаш орқали янгиланишни назарда тутди.

Тадқиқотнинг илмий-услубий аҳамияти шундаки, таълимнинг гуманитар мазмунини кучайтириш орқали, ўқувчиларнинг илмий дунёқарашларини

шакллантириш билан биргаликда, мустаҳкам ва сифатли билим бериш, табиий фанларнинг асосларидан ташкил топган ўқув предметларининг гуманитар мазмуни муҳим ўрин тутишлари билан тушунтирилади. Мазкур фанлар мазмунига кўра, фақат фундаментал билимлар беришдан ташқари ўқувчиларда инсоний ҳислатларни тарбиялаш бўйича ҳам катта потенциалга эга эканлигини асослашни назарда тутади.

Кўп йиллар давомида, физика, математика ва астрономия фанларининг ўқитилишда, уларнинг ўқувчиларда инсонийликни тарбиялаш бўйича имкониятларига, гуманитар фанларга нисбатан кам эътибор берилиб, юқорида эслатилган потенциалдан кенг фойдаланилмаслик, турли йўналишли ўқув муассасаларида, ўқувчиларда бу фанларга нисбатан ҳурмат қизиқиш ўрнига салбий ҳис туйғуларни туғдириш билан мақсадга мувофиқ бўлмаслиги сир эмас.

Тадқиқотлар таҳлилига кўра, таълимни гуманитарлаштириш масаласи замонавий педагогик муаммо бўлиб, табиий-илмий фанлар (астрономия)ни гуманитар имкониятларидан фойдаланиб ўқитиш масаласи тўлиқ ёритилмаган.

Физика ва астрономия (замонавий астрофизик тадқиқотлар билан) асримизнинг буюк ихтироларига, замонавий техника ва технологияларнинг ривожланишига хизмат қилган фанлардан саналади. Худди шунинг учун ҳам уларнинг ўқитилиши, бу фанларнинг мавқеларига мос бўлиши, ўқитишнинг самарадорлигини оширишга қаратилган барча ғоя ва фикрларни эътиборга олиши, таълим кадрларини тайёрлашнинг сифатига етарлича катта эътибор қаратиш, танланган тадқиқот мавзусининг долзарб муаммолигига асос бўлувчи омиллардан саналади.

Илмий-техникавий инқилобнинг ҳозирги босқичида, цивилизация бошидан кечираётган ахлоқий, экологик, уруш ва тинчлик муаммолари, келгусида халқ таълими тизими олдига жамиятимизнинг фаол қурувчилари бўлмиш ёшларимизнинг маънавий юксаклиги, уларда умуминсоний сифатларни шакллантириш билан боғлиқ бўлган табиий фанларнинг муҳим гуманитар потенциали имкониятларидан кўнгилдагидек фойдаланишни тақозо қилади.

Мактаб астрономия курсини гуманитарлаштиришдан мақсад, бу ўқув предметини абстракт кўринишдан ҳар бир ўқувчи учун қизиқиш уйғотадиган, инсоннинг ҳаётий эҳтиёжларини қондиришда, ёшларнинг дунёқарашларини шакллантиришда катта ҳиссаси мавжудлигини ҳис эттирадиган курсга айлантириш зарур.

Диссертацияда педагогик муаммо, табиат фанлари қаторидаги астрономия фанини ўқитишни қайта кўриб, уларнинг мазмунидаги “яшириниб” ётган, ёшларни тарбиялаш масаласида, жуда катта гуманитар потенциални аниқлаш ва ўқитиш жараёнида улардан кенг фойдаланишни кўзда тутади.

Диссертациянинг иккинчи боби **“Умумтаълим мактабларида астрономия фанини ўқитишни гуманитарлаштиришнинг дидактик асослари”** деб номланиб, унда умумий ўрта таълим мактабларида астрономия ўқув предметининг гуманитар потенциали ва ўқитишда таълимни

гуманитарлаштиришнинг манбаи сифатида уларнинг дидактик тамойиллари, шакл, метод ва воситалари, астрономик таълимни гуманитарлаштириш технологияларини такомиллаштириш масалалари баён этилган.

Шунингдек, физика ва астрономия таълимини гуманитарлаштиришда тарихийлик принципининг аҳамияти етарлича ёритилган. Мазкур фанларни ўқитишда интеграция – таълимни гуманитарлаштиришнинг воситаси сифатида қаралган.

Масалан, мактаб астрономия фанидаги “Бутун олам тортишиш қонуни. Кеплер қонунлари. Осмон жисмларининг массаларини ҳисоблаш” мавзуларини ўқитишда Кеплернинг ҳаёти жуда оғир кечганига қарамасдан, ўзининг астрономик кузатишларига таянгани ҳолда муҳим қонун яратгани ҳақида ўқувчиларга таъсирли образларни келтириб ўтиш орқали дарсни янада сифатли ўтилишини таъминлайди.

И.Кеплер сарой математиги вазифасида ишлаган бўлишига қарамай, унга кам иш ҳақи тўланарди. 1611 йили олим уч боласидан ажралди, сал ўтмай хотини вафот қилди. Кеплер бу жудоликларга бардош берди, ундаги ирода ва илмга муҳаббат ижодий фаолиятини янада изчиллик билан давом эттиришга ундади. 1615 йили эса инквизиция унинг онасини жодугарликда айблаб, қамоқхонага ташлади. Суд олти йилча давом этди. Олти йил ичида Кеплер онасини оқлаш йўлида катта шижоат кўрсатиб, охири енгиб чиқди ва онасини озод қилди. Шу ишлар билан параллел ҳолда у ўзининг машҳур “Коперникча астрономия” сини ёзиб тамомлади. Ҳеч ердан иш ҳақи олмаётган ва яшаш учун моддий имкони тутаган Кеплер 1628 йили ҳукумат саркардаси Валленштейнга астролог бўлиб ишга киради. Моддий аҳволи яна оғирлашган олим икки йилдан сўнг иш ҳақи белгилаш қарорини жорий қилдириш мақсадида Сейм (ҳукуматнинг қонун чиқарувчи олий органи) бўлаётган Регенсбургга йўл олади. Кеплер йўлда оғир касалликка учраб 59 ёшида вафот этади.

Кеплер ҳақидаги бу қисқа ҳикоядан маълум бўладики, олим ўз умрини фанга, илм йўлига бағишлаган. Ҳақиқатни излаш йўлидаги билимга бундай садоқат, уни ҳар қандай мушкул шароитда ҳам иродасини бука олмади, ўз ишига фидойилиги йўлидан тойдиролмади. Буларнинг ҳаммаси ўқувчиларнинг кўз ўнгида мустаҳкам ирода, мақсадни изчил нишонга олиш ва ҳаётнинг маъносини англаш намунаси бўлиб гавдаланади.

“Суткалик ва суткалик-горизонтал параллакс. Қуёш тизими жисмларгача бўлган масофаларни аниқлаш. Қуёш тизими жисмларнинг радиусларни аниқлаш, Астрономияда узунлик ўлчови бирликлари. Ер радиусини аниқлаш усуллари” мавзуларини ёритишда Хоразмий ва Берунийнинг ишларини таъкидлаб ўтиш жоиз.

Ватанимиз олимларининг ҳаёти ва илмий мерослари ҳамда дунё фанини ривожлантиришдаги уларнинг хизматлари билан ўқувчиларни таништириш, уларда миллий ғурурни кучайтиради, ватанпарварлик руҳида тарбиялайди. Мактаб астрономия курсида астрономияни ривожлантиришга катта ҳисса қўшган Ватанимиз олимлари таъкидланади. Булар ичида ўрта асрлар шарқ ва Ўрта Осиё олимлари катта эътиборга сазовор.

Хусусан, Берунийнинг математика, физика, астрономия, маъданшунослик (минералогия), геодезия, математик-география, картография, метрология, доришунослик, этнография, тарихшунослик, филология ва фалсафа фанларига оид илмий мерослари олим фаолиятининг нақадар кўп қиррали бўлганлигидан яққол далилдир. Академик И.Ю.Крачковский “Беруний қизиққан соҳаларни санаб чиқишдан кўра, қизиқмаган соҳаларни санаб чиқиш осонроқдир”, – деб баҳо берган.

Масалан, астрономия соҳасидаги фаолиятига назар ташласак: жамият ҳаётини енгиллаштириш учун вақтни аниқ белгилаш, саҳроларда йўлни тўғри аниқлаш, календар тузиш ва бошқа муҳим астрономик ишлар билан шуғулланишга тўғри келган. У “Геодезия” номли асарида астрономик кузатиш учун зарур бўлган оригинал асбоблар ясаганлигини, 990-991 йилларда Хоразм шаҳрининг кенглиги ва ярим кунлик Қуёш баландлигини кўрсатади. Олим астрономик кузатишлар якуни сифатида 995 йили “Юлдузлар ҳукмидан огоҳлантириш китоби” номли рисоласини ёзади. Унда ёриткичларнинг осмон сферасида турган ўрнига қараб, кишиларнинг умрини каромат қилиш мумкин эмаслигини кўрсатади. Кейинчалик меридианлар йўналишини аниқлаш асбоби ясади. Шарқда биринчи бўлиб Ер шарининг нусхаси (глобус)ни яратди, юлдузлар ҳаракати шу жумладан, Ернинг Қуёш атрофида айланиши (гелиоцентрик тизим) ҳақидаги гипотезанинг тўғрилигига ишонч билдиради. Бу гипотезанинг тўғрилиги XVI асрдагина поляк астрономи Николай Коперник томонидан исбот қилинади. Бинобарин, бу ҳақиқатни Беруний Николай Коперникдан беш юз йил илгариёқ эътироф этганлигининг ўзи ҳам олимнинг ўтқир ақли таҳсин ва ҳурматга сазоворлигини кўрсатади.

Педагогик тадқиқотлар, таълим-тарбия жараёнида гуманитарлаштириш ғояларини амалга ошириш қўйидаги педагогик ва психологик жиҳатларига таянишни маслаҳат беради: таълимни индивидуаллаштириш (ўқувчининг интеллектуал, эмоционал ва бошқа хусусиятларини ҳисобга олиш); таълимга дифференциал ёндашиш (ўқувчининг аниқланган шахсий хусусиятларини инобатга олган ҳолда, уни самарали ўқитиш, тарбиялаш ва ривожлантириш учун шароит яратиш); таълимни демократлаштириш (ўқувчи шахси томонидан ўз-ўзини кўрсата олиш, унга ўз қобилиятини ифода этиш, шунингдек, инициативлик ва ижодкорлигини тортинмай намойиш қила оладиган шароитлар яратиш).

Диссертацияда табиий-илмий таълимни (астрономик таълимни) самарали ривожлантириш учун ҳар бир ўқув мавзуси мазмунининг гуманитар таркибий қисми (потенциали)га эътиборни кучайтириш зарурлиги кўзда тутилган.

Мактаб табиий-илмий (астрономия) фанларини педагогик гуманитарлаштириш жараёни контекстининг модели қўйидаги қисмларга ажратилган: мақсадли, мазмунли, ташкилий-фаолиятли, натижавий.

Мактаб астрономия фанини гуманитарлаштириш орқали ўқувчиларнинг астрономик илмий дунёқарашини ривожлантириш мақсад қилиб олинди. Унинг таълимий, тарбиявий ва ривожлантирувчи мақсадлари аниқлаштирилди.

Астрономия фанининг гуманитар имкониятларини очишга қаратилган методик ёндашувлар моделнинг мазмунини ташкил қилади. Шунингдек, астрономия фанининг гуманитар имкониятлари аниқланди. Мактаб табиий-илмий фанлари (астрономия)ни гуманитарлаштиришнинг шартлари киритилди. Ташкилий-фаолият қисмида астрономик таълимни гуманитарлаштиришнинг лойиҳалаштириш жараёни таклиф қилинди. Натижада ўқувчиларнинг астрономия фанига оид хусусий ва таянч компетенциялари шаклланиши маълум бўлди.

Моделнинг мақсадли компонентида мактаб астрономия фанини гуманитарлаштириш орқали ўқувчиларнинг астрономик илмий дунёқарашини ривожлантириш умумий таълим мақсади белгиланиб, уларнинг таълимий, тарбиявий ва ривожлантирувчи мақсадлари алоҳида кўрсатилган.

Таълимий мақсади: осмонда кузатиладиган барча астрономик ҳодисаларни илмий асосда тушунишга имкон бериш, ҳозирги замон астрономияси асосини ташкил этган илмий тушунча, назария ва қонунларни ўзлаштириш имконини бериш, астрономик ҳодисаларнинг кундалик турмушда ишлата олиш уқувига эга бўлиши.

Тарбиявий мақсади: астрономия ва космонавтика ютуқларини фалсафий умумлаштириш асосида илмий дунёқарашни шакллантириш, байналминалчиликни тарбиялаш (халқаро дастурлар асосида Коинотни тадқиқ қилиш ва ўзлаштириш материаллари асосида), инсонпарварликни (гуманизмни) тарбиялаш (инсониятнинг экологик ва тинчлик муаммоларига муносабат билдириш орқали), юлдузлар осмонини ўрганишда, ўқувчиларни Олам ва Қуёш системаси тузилишларининг гармонияси, табиат қонунларининг универсаллиги ва гўзаллиги асосида эстетик тарбиялаш.


Ривожлантирувчи мақсади: астрономик таълим мазмуни асосида ўқувчиларда фаол ҳаётий позицияларни шакллантириш, ўқувчиларни интеллектуал ривожлантириш мақсадида астрономик билимларни ва эришилган ютуқларни фалсафий умумлаштиришлар асосида уларда фикрлаш фаолиятларини ривожлантириш, астрономия ва космонавтикага доир билимлар асосида уларда ижодий фикрлаш қобилиятларини ривожлантириш.

Моделнинг мазмунли компоненти астрономия фанининг гуманитар имкониятларини очишга қаратилган методик ёндашувлар (шахсга йўналтирилганлик, компетенциявий ва б.), астрономия фанининг гуманитар имкониятлари ва мактаб таълимини гуманитарлаштириш шартларини ўз ичига олади.

Астрономия фанининг гуманитар имкониятлари қуйидагича тавсифланган:

астрономия фанини билиш компоненти: астрономик билимларнинг бир бутун гуманитар билимларга солиштириш;

ижтимоий-маданий компоненти: астрономия фанини билиш даражасини умуммаданий қадриятлар асосида боғлаш;



1-расм. Мактаб табиий-илмий (астрономия) фанларини педагогик гуманитарлаштириш жараёни контекстининг модели

педагогик-психологик компоненти: астрономия фанини ўқитишда шахснинг ижтимоий шаклланишининг, муҳим жиҳати бўлган ички дунёсининг (қадриятлар, мотивлар, мақсадлар) шакллантириш;

методик компонент: умумлаштирилган педагогик тажрибани ёндашувларнинг воситаси сифатида кўрсатиш.

Шунингдек, бизнинг тадқиқотимиз доирасида, мактаб табиий таълимини гуманитарлаштириш шартлари киритилган.

Давлат таълим стандартидаги мақсадлар танланишининг асосий тамойиллари гуманитар компонентларни такомиллаштириш билан боғлаш;

Ўқув материалининг таркибини танлашда асосан қадриятли муносабатлар билан боғлиқ мазмунга эътиборни кучайтириш;

Воситалар ва методик кўрсатмаларни танлашда табиатшунослик ва гуманитар маданиятларнинг бирлиги билан боғлиқлигини эътиборга олиш;

Таълим жараёни субъектларининг фаолиятини инсоннинг табиатни англаш жараёнига қаратиш.

Ташкилий фаолият компонентида лойиҳалаштириш жараёни кетма-кетлиги келтирилган:

Ушбу босқичларнинг қўлланилиш соҳаси умумий ўрта таълим мактабларида астрономия фанини ўқитиш жараёни кўзда тутилган.

Моделнинг натижавий компонентида ўқувчиларда астрономия фанига оид хусусий ва таянч компетенциялари шаклланиши, ҳамда рационал-мантқиқий фикрлаш қобилиятлари ривожланиши кўзланган.

Диссертациянинг **“Педагогик тадқиқот юзасидан экспериментини ташкил этиш”** номли учинчи бобида педагогик тажриба синов ишларини мазмуни ва тажриба синов ишида олинган таҳлили келтирилган. Олиб борилган педагогик тадқиқот учта босқичда амалга оширилди.

Биринчи изланувчи-аналитик босқич (2013-2014 йй.) тадқиқот муаммосига оид материалларни психологик, педагогик ва фалсафий адабиётларни ўқитувчи маслаҳатлари ёрдамида ўрганиш билан кечди.

Тадқиқот ишининг иккинчи – амалга ошириш босқичи даврида (2015-2017 йй.) тадқиқот ишининг методологик аппарати элементлари (унинг объекти, предмети, мақсад ва вазифалари, дастлабки гипотезаси) ҳамда эслатилган ўқув муассасаларида табиий-илмий фанлар (астрономия)ни ўқитишда таълимни гуманитарлаштиришнинг аҳволи етарлича чуқур ўрганилиб, тадқиқотнинг аппаратига оид вазифалар аниқлаштирилди.


Тадқиқотнинг учинчи – шакллантирувчи босқичида (2017-2019 йй.) назорат педагогик эксперименти ўтказилди, унинг натижалари ўрганилди ва таҳлил этилди. Олинган маълумотлар тизимлаштирилди ва талқин (интерпретация) қилинди. Мазкур босқичда тадқиқот материаллари ва эришилган натижалар диссертацияда етарлича тўла акс этирилди. Тажриба-синов ишлари 2017-2019 йилларида Тошкент шаҳридаги 6-, 51-, 153-, Фарғона вилояти Данғара туманидаги 18-, Учкўприк туманидаги 8-, 28-, Сурхондарё вилояти Шўрчи туманидаги 5-, 29- мактабларда тажриба синов ишлари олиб борилди.

Умумтаълим мактабларида астрономияни ўқитиш билан боғлиқ муаммоларни аниқлаш мақсадида Фарғона вилояти халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази, Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти ҳузуридаги ХТХҚТМО ҳудудий марказларидан 90 нафар физика ва астрономия ўқитувчилари билан суҳбатлашилди ва анкета саволлари билан мурожаат қилинди.

Мазкур саволлар жавобларининг “Астрономияни ўқитишда унинг мазмуни таълимни гуманитарлаштириш манбаи сифатида” мавзусида маъруза ва семинарлар ўтказилишидан олдин ва кейинги натижалари қўйидаги 1-жадвал ва 2-расмда келтирилди.

1-жадвал

Тажриба босқичлари	Қатнашувчилар сони	Юқори даража	Ўрта даража	Паст даража	Ижобий ўзлаштириш
Дастлабки босқич	90	5	50	35	55
	100%	5,6%	55,6%	38,9%	61,1%
Яқуний босқич	90	15	67	8	82
	100%	16,7%	74,4%	8,9%	91,1%




2-расм. Малака ошириш марказлари тингловчиларидан олинган анкеталар таҳлили

Шунингдек тадқиқотимиз давомида Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети (ТДПУ), Муқимий номидаги Қўқон давлат педагогика институти (ҚДПИ) ва Абдулла Қодирий номидаги Жиззах давлат педагогика институти (ЖДПИ)лари физика ва астрономия ўқитиш методикаси таълими йўналиши 1-босқич жами 254 нафар талабалардан анкета саволлари олинди ва жавоблар умумлаштирилган ҳолда 3 та тоифага бўлинди, булар:

1-тоифа (фанга қизиқувчилар, 2-тоифа (фанга қизиқиши паст, унинг янгиликлари ва амалий татбиқлари ҳақида тасаввурлари кам, астрономик ҳодисаларга бефарқ ва уларни яхши билмайдиганлар), 3-тоифа (фанга қизиқиши йўқ, бу фандан келажакда дарс беришни истамайдиганлар, унинг замонавий янгиликлари ва амалий татбиқларини билмайдиганлар, астрономик ҳодисалар ҳақида етарлича тўла тасаввурга эга эмаслар).

2-жадвал

Босқичлар	Қатнашувчилар сони	1-тоифа	2-тоифа	3-тоифа	Ижобий ўзлаштириш
Дастлабки босқич	254	21	136	97	157
	100%	8,3%	53,5%	38,2%	61,8%
Якуний босқич	254	44	172	38	216
	100%	17,3%	67,7%	15,0%	85,0%



3-расм. Олий таълим муассасалари талабаларидан олинган анкеталар таҳлили

Юқоридаги 2-жадвал ва 3-расмдаги диаграммалар шуни кўрсатадики, талабаларнинг дастлабки босқичдаги 1-тоифа бўйича жавоблари 8,3% ни ташкил этган бўлса, якуний босқичда 17,3 фоизга ошганлигини, 2-тоифа бўйича жавоблари эса 53,5% дан 67,7% га ошганлигини ва 3-тоифа бўйича эса 38,2% дан 15,0% га камайганлиги ва умумий ҳолда ижобий ўзлаштириш 61,8% дан 85,0% га ошганлигини кўришимиз мумкин.

3-жадвал

11-синф ўқувчиларининг астрономияга қизиқишлари, дунёқарашлари ва уларнинг билим даражаларини аниқлаш бўйича дастлабки натижалар

Объектлар	Ўқувчилар сони	“аъло”	“яхши”	“қониқарли”	“қониқарсиз”
Тошкент шаҳри	214	14	63	129	8
	100 %	6,54 %	29,44 %	60,28 %	3,74 %
Фарғона вилояти	196	15	49	125	7
	100 %	7,65 %	25,0 %	63,78 %	3,57 %
Сурхондарё вилояти	68	4	21	38	5
	100 %	5,88 %	30,88 %	55,88 %	7,35 %
Жами	478	33	133	292	20
	100 %	6,90 %	27,82 %	61,09 %	4,18 %

Республикамизнинг турли ҳудудларидаги (жадвалда келтирилган) 8 та мактабнинг жами 478 нафар 11-синф ўқувчиларининг астрономияга қизиқишлари, дунёқарашлари ва уларнинг билим даражаларини ўрганиш

мақсадида анкета, суҳбат, савол-жавоб ва кузатиш методларидан фойдаланилди. Уларнинг натижаларини баҳолашда “аъло”, “яхши”, “қониқарли” ва “қониқарсиз” даражали баҳолаш турларидан фойдаланилди.

Педагогик тажриба-синов натижалари тадқиқотнинг илмий фарази асосли эканлигини тасдиқлади.

Астрономик таълимни гуманитарлаштириш ғояси амалга жорий қилиниб, ўқувчиларнинг олган назарий билимлари, дарсга муносабатлари, ўзларини тутишлари ҳамда қизиқишлари доимий равишда кузатилиб, ўқувчилар билим кўрсаткичлари аниқланди. Демак, “аъло”, “яхши”, “қониқарли”, “қониқарсиз” баҳоли жавоблар, ўқувчиларни астрономиядан билимлари, дарс давомида эришган назарий билимлари, амалий кўникма ва малакаларининг сифатини, уларнинг илмий дунёқарашларини аниқлашда асосий мезон бўлиб ҳисобланади. Уларнинг якуний натижалари қўйидаги жадвалда келтирилди.

4-жадвал

11-синф ўқувчиларининг астрономияга қизиқишлари, дунёқарашлари ва уларнинг билим даражаларини аниқлаш бўйича якуний натижалари

Объектлар	Ўқувчилар сони	“аъло”	“яхши”	“қониқарли”	“қониқарсиз”
Тошкент шаҳридаги мактаблар	214	38	117	58	1
	100%	17,76%	54,67	27,10%	0,47%
Фарғона вилоятидаги мактаблар	196	33	98	64	1
	100%	16,84%	50,00%	32,65%	0,51%
Сурхондарё вилоятидаги мактаблар	68	8	42	17	1
	100%	11,76%	61,76%	25,00%	1,47%
Жами	478	79	257	139	3
	100%	16,53%	53,77%	29,08%	0,63%

Ушбу натижаларни статистик таҳлилининг амалга оширишда математик статистика усулларидан фойдаланилди. Дастлабки ва якуний натижаларни бири-бири билан таққослаш мақсадида олинган натижалар статистик таҳлили ўтказилди.

Астрономик таълимни гуманитарлаштириш ғояси амалга жорий қилиниб, ўқувчилар билим кўрсаткичлари дастлабки ва якуний натижаларнинг ўзлаштиришларини таққослаш мақсадида статистик гипотезани текшириш учун χ^2 -мезонидан фойдаланди.

Якуний босқичда олинган натижалар бўйича билим даражалари дастлабки босқичдаги ўқувчиларнинг билим даражаси бир-биридан фарқ қилади ва уларнинг самарадорлик кўрсаткичи 1,14 баробарга юқори эканлигидан далолат беради.

Ишонч оралиғини бир-бирига устма-уст тушмаслигини текшириш мақсадида юқоридаги статистик формулалар асосида дастлабки босқичдаги ишонч интервални топсак $3,31 \leq a_x \leq 3,44$, якуний босқичдаги ишончли интервали эса $3,80 \leq a_x \leq 3,92$ га тенг бўлиб, улар бир-бири билан кесишмаслигига олиб келади. Бу эса H_1 гипотезани қабул қилинишига олиб келади.



4-расм. Таълим муассасаларининг самарадорлик кўрсаткичлари

Ушбу ҳисоб-китоб натижаларига кўра олиб борилган тадқиқот ишлари самарадорлиги ўртача 14 % га юқори эканлиги статистик усуллар ёрдамида исботланди ва олиб борилган тадқиқот иши натижалари самарали эканлиги аниқланди.

ХУЛОСА ВА ТАВСИЯЛАР

1. Ўқитиш жараёнини гуманитарлаштиришда таълимнинг моҳияти маълум фанни ўқитишда, ўқувчига фақат бу йўналишда қадимдан эришилган тажрибанигина эмас, балки, унинг шахс сифатида камол топиши ва умуммаданий хислатлари шаклланишида хусусий тажрибаси асосида чуқурлашган тажрибасини ҳам қўшиш назарда тутилиши намойиш этилди.

2. Табиий-илмий фанларни педагогик гуманитарлаштириш жараёни контекстининг модели асосида ўқувчиларнинг рационал-манتيқий фикрлаш қобилиятларини, шахсий ва коммуникатив фазилатларини ривожлантириш ва такомиллаштириш имкониятлари аниқланган.

3. Табиий-илмий циклдаги фанлар (астрономия) бўйича дарсларда табиатда кечадиган ҳодиса ва жараёнларнинг моҳиятларини ўқувчиларга эртақлар, топишмоқлар, мақоллар, турли расмлар, слайдлар, бадий асарлардан тегишли парчалар келтирилиши натижасида фаннинг ахлоқий-фалсафий моҳиятини янада англаш, уларнинг илмий дунёқарашларини кенгайтира олиш имкониятлари аниқланди.

4. Мактабда ўқитиладиган физика ва астрономиянинг гуманитарлаштириш технологияларини такомиллаштириш орқали ўқувчиларда рационал-мантиқий фикрлаш қобилиятлари, борлиқ ҳақиқатни эмоционал-сезги орқали идрок қилиш, борлиқ дунёга қадриятли муносабатларни шакллантириш имкони борлиги ҳам аниқланди.

5. Таълимни гуманитарлаштириш жараёнининг ихтиёрий босқичида, бутун мақсадини белгилашда, ўқув материаллари мазмунида, методик ёндашув ёхуд воситаларида субъект-субъект, субъект-объект муносабатларида ҳар доим уларни гуманитарлаштириш учун педагогик шартлар борлиги аниқланди.

6. Диссертациянинг 2-бобида келтирилган натижалар, таълимни турли йўналишларда (унинг интеграллашган мазмунини белгилашда, тарихийлик

тамойили, физик ва астроном олимларнинг ҳаётий ва ижодий фаолиятлари ҳамда меросларини ўрганишда ва ҳоказо) уни гуманитар потенциални амалда қўллаш учун педагогик шароит мавжудлиги, тадқиқотнинг эксперимент натижалари таҳлили юзасидан чиқарилган хулосаларда акс этилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.01.2020.Ped.26.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ
ПЕДАГОГИЧЕСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ
ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ПЕДАГОГИЧЕСКИЙ
УНИВЕРСИТЕТ**

ДАДАБОЕВА ФЕРУЗАХОН ОЛИМЖОНОВНА

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ТЕХНОЛОГИЙ ГУМАНИТАРИЗАЦИИ
АСТРОНОМИЧЕСКОГО ОБРАЗОВАНИЯ В
ОБЩЕОБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ СРЕДНИХ ШКОЛАХ**

13.00.01 – Теория педагогики. История педагогических учений

**АВТОРЕФЕРАТ
ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО ПЕДАГОГИЧЕСКИМ
НАУКАМ**

Ташкент – 2021

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации
доктора философии (PhD) по педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of
philosophy (PhD) on pedagogical sciences**

Дадабоева Ферузахон Олимжоновна

Умумий ўрта таълим мактабларида астрономик таълимни гуманитарлаштириш
технологияларини такомиллаштириш5

Дадабоева Ферузахон Олимжоновна

Совершенствование технологии гуманитаризации астрономического
образования в общеобразовательных средних школах 21

Dadaboeva Feruzakhon Olimjonovna

Improvement of the technology of humanization of the astronomical education in
secondary schools 41

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of publication.....45

Тема диссертации доктора философии (PhD) по педагогическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за B2020.1.PhD/Ped706 .

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном педагогическом университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.tdpu.uz) и Информационно-образовательном портале Ziyonet (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель: **Мамадазимов Мамадмуса**
доктор педагогических наук, профессор

Официальные оппоненты: **Ибрагимов Холбой Ибрагимович**
доктор педагогических наук, профессор

Ильясов Сабит Пулатович
доктор физ-мат., наук, профессор

Ведущая организация: **Национальный университет Узбекистана**

Защита диссертации состоится «___» _____ 2021 года в ___ часов на заседании Научного совета DSc.03/30.01.2020.Ped.26.01 по присуждению ученых степеней при Ташкентском государственном педагогическом университете. (Адрес: 100011, город Ташкент, Чиланзарский район, улица Бунёдкор, дом 27. Тел.:(99871) 276-79-11; факс: (99871) 276-80-86, e-mail: tdpu_kengash@edu.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного педагогического университета (зарегистрирована за № _____). Адрес: 100011, город Ташкент, Чиланзарский район, улица Бунёдкор, дом 27. Тел.:(99871) 276-79-11; факс: (99871) 276-80-86.

Автореферат диссертации разослан «___» _____ 2021 года.
(реестр протокола рассылки № _____ от «___» _____ 2021 года).

Б.С.Абдуллаева
Председатель Научного совета
по присуждению ученых степеней, д.пед.н., профессор

Р.Г.Исянов
Секретарь Научного совета
по присуждению ученых степеней, к.п.н., доцент

Н.А.Муслимов
Председатель научного семинара
при Научном совете по присуждению
ученых степеней, д.пед.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире в учебный процесс образовательных учреждений внедрены креативные технологии совершенствования системы астрономического образования, а также гуманитаризации подготовки конкурентоспособных кадров. В новой Концепции образования до 2030 года, принятой международными организациями и развитыми странами, признано, что «Образование — основная действующая сила прогресса и важная деятельность, приводящая к целям устойчивого развития».⁴ В результате проводится системная работа по гуманитаризации естественных наук, развитию творческого мышления, внедрению в практику дидактических возможностей, необходимых для создания передовых педагогических взглядов, инновационной среды в обучении.

В образовательных учреждениях и научно-исследовательских институтах мира проводятся научно-исследовательские работы по организации педагогических процессов на основе парадигм гуманитаризации астрономического образования, расширению педагогических возможностей реализации гуманитарного потенциала предметов естественнонаучного цикла, интегрализации педагогических процессов и педагогико-психологической среды, определению стратегических и тактических целей в общеобразовательных средних школах. Вместе с тем особое внимание уделяется научно-исследовательским работам по развитию идеи гуманизма в образовании, ориентации обучения на личность, формированию гуманистического содержания обучения естественным наукам, усилению места гуманитаризации курса астрономии в формировании мировоззрения молодежи.

В нашей республике созданы нормативные основы повышения практической значимости учебных предметов в развитии системы образования, создания систем дистанционного образования, развития интегрированной информационно-образовательной системы, гуманитаризации естественных и точных наук, ускорения укрепления нормативно-правового, научно-методического и материально-технического обеспечения. В Концепции развития системы народного образования Республики Узбекистан до 2030 года приоритетной задачей определены «совершенствование методики обучения, поэтапное внедрение принципов индивидуализации учебно-воспитательного процесса».⁵ В результате расширяются возможности повышения дидактических и методических возможностей гуманитаризации обучения естественным и точным наукам в общеобразовательных средних школах, совершенствования их методического обеспечения.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит

⁴ Incheon Declaration / Education 2030: Towards inclusive and equitable quality education and lifelong learning for all. – p. 4-5. <http://unesdoc.unesco.org/images/0023/002338/233813m.pdf>.

⁵ Указ Президента Республики Узбекистан «Об утверждении Концепции развития системы народного образования Республики Узбекистан до 2030 года» от 29 апреля 2019 года № УП-5712. – Собрание законодательства Республики Узбекистан, 06/19/5712/3034.

